



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Berlin, Germany

30th January, 2024

Website: <https://econferenceworld.org>

ДУБАЙТИЙ ЖАНРИ БАДИИЯТИ

(XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ШЕЪРИЯТИ МИСОЛИДА)

Раҳмонова Шаҳноза Мухитдиновна

Алфраганус университети доценти,

Филология фанлари доктори (DSc)

shahnoza.rahmonova86@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада XX аср иккинчи ярми ўзбек шеъриятида Собир Абдулла, Чустий дубайтийларининг вазн хусусиятлари, ўлчов имкониятлари, қофия тизими, мазмун уйғунлиги ўрганилиб, жанрнинг илмий аҳамияти очиб берилган. дубайтий жанрининг давр шеъриятида тутган ўрни ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлари: аруз, жанр, вазн, дубайтий, ҳазаж.

Байтли шеърлар орасида ғазал, мустазод ва қасидалар билан бир қаторда кичик лирик жанрларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ўзбек адабиётида кичик лирик жанрларга рубоий, туюк, қитъа, дубайтий, фард, муаммо, луғз (чистон), таърихларни киритиш мумкин. Ушбу жанрларнинг барчаси XX аср иккинчи ярми шеъриятида у ёки бу шаклда давом этди.

Дубайтий халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган жанрлардан бири бўлиб, байтли шеърлар сирасига киради. Маълумки, “рубоийга ўхшаб дубайтийнинг ҳам ўз поэтик қонуниятлари, ҳаёт ва фаолият йўли, тил ва услуб хусусиятлари бор”¹. Адабиётшунос И.Ҳаққул ўзининг “Ўзбек

¹ Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. – Т.: Фан, 1981. – Б. 9.



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Berlin, Germany

30th January, 2024

Website: <https://econferenceworld.org>

адабиётида рубоий” китобида дубайтийнинг асосий вазни ҳазажи мусаддаси мақсур ёки ҳазажи мусаддаси маҳзуфга мос тушишини айтади. Демак, “Дубайтий – икки байт (тўрт мисра)дан иборат, лекин рубоий вазнига (ҳазажнинг ахраб ва ахрамига) тушмайдиган тўртлик”². Кузатишларимиздан аниқ бўлдики, Собир Абдулла ижодида 15 та, Чустийда 2 та дубайтий мавжуд экан. Собир Абдулланинг “Дўстни арзон сотувчи баъзи ҳофиз ҳақида” дубайтийси қуйидагича:

Деди: – Дўстим,/ қилай тўйинг/да **хизмат!**

V – – –/ V – – – / V – –

Қачон тўй қил/дим: у бўлди/ шу кун “**банд**”.

V – – –/ V – – – / V – ~

Уни арзий/ди қилсам қан/ча **ҳурмат**,

V – – –/ V – – – / V – –

Бироқ, пул бер/масанг, бўлмай/ди **хурсанд**³.

V – – –/ V – – – / V – ~

Дубайтийнинг 1–3-мисралари ҳазажи мусаддаси маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун фаувлун V – – –/V – – –/V – –), 2–4-мисралари эса ҳазажи мусаддаси мақсур (рукнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун мафойил V – – –/V – – –/V – ~) вазнида ёзилган, а-б-а-б тарзида қофияланган. Тоқ ва жуфт мисраларда мужаррад ва муқайяд қофияларнинг қўлланилиши дубайтийнинг икки вазнда битилишига асос бўлган. Мумтоз анъаналар асосида икки вазннинг бир шеър таркибида қўлланиши эса шеър оҳангининг таъсирчанлигини оширган. Шунингдек, Чустий ижодида ҳам

² Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 37.

³ Абдулла Собир. Танланган асарлар. 4 томлик. 2-том. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 151.



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Berlin, Germany

30th January, 2024

Website: <https://econferenceworld.org>

дубайтийлар учрайди. Унинг “Кўнгил тилаги” девонига 2 та дубайтий киритилган. Қуйида уларнинг бирини келтирамиз:

Сўзимнинг шо/ҳидидур ак/ли виждон,

V – – – / V – – – / V – ~

Тириклар бор,/ улар гўё/ки бежон.

V – – – / V – – – / V – ~

Ўликлар бор,/ тириклардан/ тирикроқ,

V – – – / V – – – / V – ~

Бу хил одам/ни тарих дер/ чин инсон⁴.

V – – – / V – – – / V – ~

Мазкур дубайтида қўлланилган **виждон**, **жон**, **инсон** сингари ридфи аслийли мурдаф кофиялар унинг хазажи мусаддаси мақсур вазнида ёзилишини тақозо қилган. Тўртинчи мисранинг учинчи рукнида вазн талаби билан васл ҳодисаси истифода этилган. Унга кўра “чин инсон” бирикмасидаги “н” ундан кейин келаётган “ин” ҳижосига қўшиб ўқилади. Дубайтида инсон сўзининг шоҳи виждон эканлиги, шундай виждони тирик одамларни тарихда чин инсон сифатида қолиши айтилади. Шоир бир ўринда ташбих, тазод, тақрир, таносуб шеъринг санъатларидан фойдаланиб, шеърнинг бадий қимматини оширган. Келтирилган ҳар иккала шеър ҳам мумтоз дубайтий қоидаларига мос ёзилган. Демак, XX аср иккинчи ярми шеърлятида ҳам дубайтий ёзиш анъанаси муайян тарзда давом этган эканлиги кўринади.

⁴ Чустий. Кўнгил тилаги. – Т.: Фан, 1994. – Б. 225.



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Berlin, Germany

30th January, 2024

Website: <https://econferenceworld.org>

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулла Собир. Танланган асарлар. 4 томлик. 2-том. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 151.
2. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014. – Б. 320.
3. Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. – Т.: Фан, 1981. – Б. 239.
4. Раҳмонова Ш. XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърлятида арузнинг поэтик шакл ва мазмун такомиллидаги ўрни. PhD диссертацияси. – Тошкент: Oltin bitiklar, 2020. – Б. 152.
5. Rakhmonova Sh. Rubai metrics in Uzbek poetry in the second half of the twentieth century (in example of creativity of Khabibi, Sabir Abdulla, and Chusti) // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. 2019. Issue: 09 Volume: 77. – P. 142-146.